## Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Жумҳурият партиямизнинг 70 йиллик тарихи бор. Партия тарихи институтининг биноси яхши, 7-8 қаватли улкан бино. Халқимизнинг эса минг йиллик тарихи бор. Партияга нисбатан халқимизнинг сони жиҳатидан олиб қарасангиз, 25-30 маротаба кўп. Масалан, партия тарихининг 70 йиллигида шундай бино қурганимизда мен буни нотўғри деб айтмайман, тўғри. Ахир халқнинг минг йиллик тарихига — 20 миллионлик халқга қандай бино қуришимиз керак? Шуни биз келажакда қилишимиз керак. Ўшандагина биз халқимизнинг тарихий илдизларига оби ҳаёт берган бўламиз. Илдизига оби ҳаёт берилган дарахт жуда тез ривожланади, яхши мева беради. Биз халқимиз равнақини унинг маънавий мевалари кўпроқ бўлишини истасак, унинг тарихий илдизларини авайлашимиз, унга оби ҳаёт бериб туришимиз керак.

**Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби**

## П. М. АБДУРАҲМОНОВ нутқидан

Самарқанд вилоят партия ташкилотининг делегацияси съезд арафасида партия йиғилишларини, шаҳар, район партия конференцияларини ўтказди, матбуотда, радио орқали чиқишлар қилди, учрашувлар ўтказди, хуллас, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаси теварагида вилоят коммунистларининг катта машваратини ўтказди.

Кеча кечқурун биз маърузани муҳокама қилиб, кўп ўн йиллар давомида кейинги йилларда бўлиб ўтган воқеа ва жараёнлар ҳаққоний, ҳалол ва инсоф билан баҳоланганлигини биринчи бор эшитдик, деган хулосага келдик. Делегациямизнинг фикрича, маърузада Ўзбекистон Компартиясининг дастури ҳамда унинг ташкилий тузилиши асосий қоидалари ойдинлаштириб берилган, жумҳурият олдида турган вазифалар белгиланган.

Съездда биз Марказий Комитет ва унинг Бюроси фаолиятига баҳо беришимиз керак. Шу давр ичида раҳбарият уч марта ўзгарди.

Биринчи пайт — 1985-1986 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети марказнинг ўн беш йил мобайнида мамлакатнинг иқтисодий қудратини икки ҳисса ошириш ғоясига берилиб, кадрларни ёппасига қувғин қилди. Марказий Комитетнинг XVI пленумидан кейин номсиз кишиларнинг қутқувси билан асоссиз айблар қўйилиб, ўн минглаб партия, совет, хўжалик ходимлари, бригадирлар, мутахассислар эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланди, жиноий ва партиявий жавобгарликка тортилди — уларнинг аксарияти софдил кишилар эди.

Кадрлар беқарорлиги яна давом этди. Бутун-бутун вилоятлар, районлар, идоралар йўқ бўлиб кетди, ишламайдиган янги ташкилотлар, турли-туман территориал ва бошқа бирлашмалар тузилди.

Хўш, булар учун ким жавоб берди? Енгилтаклик ва ҳавойилик сиёсий фожиаларни келтириб чиқариши турган гап.

Шу пайтда мамлакатнинг марказий районларидан кадрларнинг катта десанти туширилди, республиканинг шароитини ҳам, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, тилини ҳам, умуман турмушини ҳам билмайдиган юзлаб кишилар раҳбарлик лавозимларига келдилар. Биз ҳаммамиз уларга ҳамду сано ўқий бошладик.

Бу кадрларнинг кўплари ўз обрўларини ўзлари тўкиб қўйдилар. Сизларга маълум бўлган савдо министри Литвиненко жиноятга бориб тақаладиган суиистеъмолларга йўл қўйганида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уни жавобгарликдан қутқариб қолди.

Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият жуда кескинлашди. Ижтимоий вулқон отилай деб қолган эди, бунга биз ўзимиз сабабчи бўлдик. Ишсизлик, озиқ-овқат ва уй-жой режалари барбод бўлганлиги, пахта яккаҳокимлиги, харид нархларидаги камситишлар ва турмушимиздаги бошқа кўпгина салбий жиҳатлар — мана шуларнинг ҳаммаси Қувасойдаги, Фарғонадаги ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидаги фожиаларга олиб келди.

Ҳозир ҳам бу жароҳатдан қон томиб турибди. Биз Душанбедаги воқеалар кунларида Самарқанддаги фожианинг олдини зўр қийинчилик билан олишга муваффақ бўлдик. Ўша пайтда кўп миллатли вилоятимиз аҳолиси бошига ҳар соат, ҳар он кулфат ва бахтсизлик тушиши мумкин эди. Кулфатнинг олдини қандай олганимизга келажакда баҳо берилар, аммо мен ҳар ҳолда битта асосий шартни таъкидлаб ўтган бўлур эдим, биз соғлом миллий кучларни, айни миллий кучларни жипслаштиришга муваффақ бўлдик. Турли бирлашмалар, жамоат уюшмалари билан, шу жумладан диний арбоблар билан ҳам баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, мулоқотнинг мулойим усуллари топилди, ўша кунларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қатъий ҳаракатлари ҳам ёрдам берди.

Жумҳуриятнинг ҳозирги раҳбарияти билан боғлиқ бўлган учинчи босқичдагина жумҳуриятимизда катта ўзгаришлар бошланди. Деҳқонлар ер, мактаб ўқувчилари бепул овқат, кам даромадли оилалар дурустгина моддий ёрдам олдилар, миллий маданиятни, тилни, илғор анъаналарни, урф-одатларни, маросимларни тиклаш юзасидан зўр ғайрат билан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг фаолиятини баҳолашда унинг сўнгги йиллардаги фаолиятига бериладиган баҳони таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман. Шундай қилиш мутлақо адолатли бўлади. Эҳтимол, биз ҳар ҳолда нима учун, ким қандай жавоб беришини босқичма-босқич белгилаб олишимиз керак.

Биз Марказий Комитетнинг фаолияти хусусида ҳам рўй-рост, жуда аниқ-равшан фикр билдиришимиз зарур. Бу масала юзасидан умуман Ўзбекистон Компартиясининг позициясини ишлаб чиқиш ва шу позицияни КПСС XXVIII съездига маълум қилишни делегатлардан бирига топшириш керак.

Жумҳуриятнинг сиёсий тузилишида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни, мавқеи ва вазифалари қандай бўлиши керак? У мустақил бўлиши, ўз дастурини ишлаб чиқиши, уни амалга ошириш шакллари, усуллари ва йўлларини ҳамда энг муҳими принципларини белгилаб чиқиши керак.

Аммо ҳозир бизга қайси мустақиллик муҳимроқ? Партия мустақиллигими ёки давлат мустақиллигими? Менинг назаримда булар бирбири билан боғлиқ тушунча. Шу сабабли Ўзбекистон Компартиясининг мақомини, унинг жумҳурият сиёсий тузилишидаги ўрни ва мавқеини, унинг дастурини аниқ белгилаш лозим.

Республика кучли иқтисодиётсиз, кучли сиёсий тузилишсиз яшай олмайди. Шу сабабли жумҳуриятнинг раҳбар кадрлари учун яхлит иқтисодий сиёсат зарур. Сиёсий маърузада бу сиёсат яққол кўриниб турибди. Дарвоқе, Ўзбекистон Компартиясининг мақоми тарихий ўтмиш нуқтаи назаридан, мамлакатдаги ҳозирги ва эҳтимол тутилган эртанга ўзгаришларни эътиборга олиб кўриб чиқилиши керак. Бу ҳужжатлар КПСС XXVIII съездидан кейин бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиниши керак.

Мен бугун кўтармоқчи бўлган иккинчи масала жумҳуриятнинг суверенитети масаласидир. Меҳнаткашлар турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган қонунлар мажмуи бу суверенитетни белгилаб бериши маълум. Компартия Марказий Комитети билан республика ҳукумати Ўзбекистон халқи ўз она диёрида тўла ҳокимиятли хўжайин бўлиб қолишига қатъият билан интилмоқдалар. Ер, Мулкчилик, ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги жумҳурият қонунлари ва бошқа қонунлар зудлик билан қабул этилиши зарур.

Марказнинг, маҳкамаларнинг буйруқбозлигига барҳам бериш зарурати аллақачон пишиб етилган. Энди бу ишни тез ва асосли равишда қилиш керак.

Эҳтимол, бу бирдан-бир соҳадирки, у нақадар тез бартараф этилса, ишларимиз шу қадар юришиб кетади.

Хўш, катта ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган Самарқанд вилояти, аслида ҳуқуқсиз аҳволга солиб қўйилганига, у ўз меҳнати эвазига топган маблағни ўзи тасарруф эта олмаслигига қандай қилиб қўшилиб бўлади. Меҳнаткашлар ишлаб топган ярим миллиард сўмдан кўпроқ маблағ турли йўллар билан вилоят ташқарисига чиқиб кетади.

Ҳозир мамлакатда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури кўриб чиқилмоқда.

Бироқ жумҳурият халқ хўжалиги тузилишининг хусусиятлари, оилалар, хўжаликлар, районлар олаётган даромад даражасининг пастлиги, областлар зарар кўраётганлиги, демография вазиятининг ўткирлиги бозор муносабатларининг ўзига хос шаклларини талаб қилади. Ўйлайманки, 5-7 йил мобайнида мана шундай муносабатларга ўтиш лозим. Ҳозир биз жумҳуриятимизнинг дардчил иқтисодиёти нормал ишлашини эркин бозорнинг шафқатсиз қонунлари шароитида таъминлашга руҳий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам тайёр эмасмиз.

Марказий Комитетнинг ҳозирги Бюроси қисқа вақт ичида кўп иш қилди ва анчагина долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун замин яратди, жуда қалтис шароитда ишлади. Жумҳуриятнинг ҳозирги ҳукуматига келганда шуни айтиш керакки, у юксак масъулият, билимдонлик билан ишламоқда ва қатъий ҳаётий позицияда турибди. Бу эса бизга умид бахш этади.

**Узсовпроф раиси**

## Ҳ. АЛИМОВА нутқидан

Очиқчасига гаплашайлик, партия ўзини қайта қуришдаги сусткашлик фақат КПССнинг эмас, шу билан бирга бошқа жамоат ташкилотларининг, жумладан касаба уюшмаларининг обрўси тушиб кетишига асосий сабаб бўлди. Аслини олганда, касаба уюшмалари маъмурий-буйруқбозлик системаси таркибида бўлиб, социалистик мусобақадан тортиб ноёб молларни тақсимлашгача — қандай ишни топширишса ҳаммасини бажариб келди. Бизнинг жумҳуриятимизда эса баъзи жойларда ҳатто ғўзани ўтоқ қилиш ва пилла тайёрлаш учун ҳам касаба уюшмалари жавобгар эди. Меҳнаткашлар бундай касаба уюшмаларидан юз ўгира бошлаганлиги тасодифий эмас.

Касаба уюшмалари жамиятни демократиялаш вазиятида ўзларига хос бўлмаган вазифалардан қатъиян воз кечдилар ва КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасидаги партия касаба уюшмаларини мустақил жамоат ташкилоти, деб билади, деган қоидани ўзининг янги мавқеини маъқуллаш, деб кутиб олди. Шу асосда Ўзбекистон касаба уюшмалари давлат, хўжалик, бошқарув идоралари билан, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан Конституция доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳурият барча меҳнаткашлари ғайратларини жипслаштирадиган чинакам сиёсий кучдир.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан бошланган аҳолининг турмуш даражасини, пенсионерлар, кўп болали оилалар, аёллар, студент ёшлар, уруш ветеранлари турмуш даражасини яхшилашга, ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантиришга доир йирик ижтимоий режаларни қўллаб-қувватламоқда ва уларни рўёбга чиқаришда иштирок этмоқда. Шу билан бир вақтда келгусида бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан боғлиқ вазият касаба уюшмаларида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Жумҳурият касаба уюшмаларининг бу масалада тутган мавқеи ВЦСПС баёнотида ва Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгаши VIII пленумининг мазкур масалага доир мурожаатномасида акс этган. Умумхалқ референдуми ўтказилмай туриб, меҳнаткашларнинг манфаатларига ижтимоий кафолат бермай туриб бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди.

Яқин-яқин вақтларгача партия комитетлари касаба уюшмалари органларига кўпинча ишни барбод қилган одамларни юборар эдилар. Ҳозирги вақтда аҳвол бироз ўзгарди, лекин ўзаро муносабатларнинг, аввало кадрлар билан ишлашдаги ўзаро муносабатларнинг эскирган шакллари ва усулларидан қутилиш зарур.

Қайта қуришнинг олтинчи йилида касаба уюшмалари кенгашлари ва комитетларининг раислари ҳамда секретарлари, баъзан эса ҳатто бўлим мудирлари партия комитетлари номенклатурасида турган экан, ҳозир касаба уюшмаларнинг мустақиллиги тўғрисида гапириш мумкинми?

Ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида касаба уюшмаларининг кўпгина органлари партия комитетлари тиқиштирган номзодларни кўрсатишга мажбур бўлдилар. Касаба уюшмалари партия комитетлари аппаратларининг ходимлари уларнинг ички ишларига ортиқча аралашишларига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгашининг VIII пленуми Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездини муддатидан олдин, шу йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида чақириш ҳамда уларнинг ташкилий структурасини асосли равишда қайта кўриб чиқишга қарор қилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари мамлакат касаба уюшмалари конфедерациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши муносабати билан ўз уставини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди, бу устав лойиҳаси маъқулланди ва у кенг муҳокама қилинади. Касаба уюшмаларнинг янги структурасида тармоқ, вилоят касаба уюшмалари кенгашларининг, бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва масъулияти анча ошади, уларга, айниқса кадрлар, молия билан боғлиқ бўлган ҳамда касаба уюшмалари турмушининг бошқа масалаларини ҳал этишда тўла мустақиллик берилади.

Федерациялар жумҳурият кенгаши (бўлажак касаба уюшмалари марказини ана шундай деб аташ кўзда тутилмоқда) ҳуқуқий давлат барпо этилишини ҳисобга олиб, қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши режалаштирилади, унга ҳукумат билан ижтимоий битимлар, шартномалар тузиш топширилади. Қабул қилинган қонунларни орқаваротдан танқид қилиш, талабномалар ва иш ташлашлар билан бу қонунларнинг бажарилишини барбод этиш эмас, балки жумҳурият ҳукумати, Олий Советнинг комиссиялари ва комитетлари билан биргаликда иш олиб бориш — ҳозирги пайтда бўлажак касаба уюшмалари марказининг асосий вазифаларидан бири ана шундан иборат. Ҳозир Ўзбекистон ССР касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Жумҳурият Олий Совети касаба уюшмалари тақдим этадиган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

Республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси сифатида аёллар муаммоларига тўхтамай ўта олмайман.

Ўзбекистон Компартияси сайловолди дастурида, жумҳурият Президентининг кейинги фармонларида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир кўпгина чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хотин-қизлар кенгашлари ана шу қарорларни жойларда амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Ҳозир съездимиз делегатлари орасида хотин-қизларнинг кўплиги ижтимоий турмушда уларнинг фаоллиги ва роли ошганлигига мисол бўлади, деб ўйлайман.

Лекин аёлларнинг барча муаммолари ҳал қилинган дея олмаймиз. Далаларда, фермаларда, саноат корхоналарида уларнинг оғир меҳнатини енгиллаштириш учун етарлича иш қилинмаяпти. Оилада аёлларга нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келмоқдаки, бизда ҳали ҳам ўзига ўзи ўт қўйиш ҳоллари камайгани йўқ.

Кир ювиш машиналари ва тикув машиналари, рўзғор ишларини енгиллатадиган бошқа механизмлар етишмаётган пайтда, хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин.

Хотин-қизлар муаммолари ҳамиша партия диққат марказида бўлиб келди. Лекин ҳозир партия комитетларини қайтадан тузиш муносабати билан жойларда хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланадиган ходимларнинг ўрни қисқартириб юборилмоқда. Менимча, бу масалага диққат-эътибор билан ёндашмоқ лозим.

**Наманган уйсозлик комбинатининг директори**

## А. ИКРОМОВ нутқидан

Кейинги вақтларда жамиятда партиямиз ва унинг раҳбар органлари номига тез-тез ўткир танқид янграмоқда. Коммунистларнинг ўз ораларида ҳам мунозаралар бўлиб турибди. Менинг назаримда биз ҳаммамиз юзаки фаоллик ва бефарқлик билан шу жараённи тезлаштириб, тангликни қалтис нуқтага яқинлаштириб бораяпмиз.

Съездимиз вужудга келган вазиятдан чиқиш юзасидан якдил бир фикрга келиши керак. Бир вақтлар, партия уставининг дастлабки лойиҳаси муҳокама қилинаётганида В. И. Ленин КПСС аъзолиги тўғрисидаги бандга одамларни ўзига эргаштириб бора оладиган, уларни партия сафларига жалб қиладиган деган сўзларни қўшишни таклиф қилган эди. Эҳтимол ўша пайтда коммунистларнинг сонини кўпайтириш амалий зарурат бўлгандир. Ҳозирги шароитда ҳам мана шу таклиф зарур, деб ҳисоблайман. Бир ўйлаб кўринглар, жумҳуриятимиз айрим музофотларида тартибсизликлар рўй берганида, ҳатто тажрибакор партия ходимлари ҳам одамларни муаммоларни оқилона ҳал этиш мақсадида ўзларига эргаштириб бора олмадилар. Агар КПСС XXVIII съезди партияга қабул қилиш ҳуқуқини бошланғич ташкилотларга бериш масаласини узил-кесил ҳал этса, бу таклиф уларнинг масъулиятини оширишга кўмаклашган бўлур эди. Чунки, мана шундай қилинганда бошланғич ташкилот одамларни ўзига эргаштира бора оладиган кишиларни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қиладиган бўлади.

Партиямиз шонли анъаналарга бой ва бу анъаналарни кўпайтириш — бизнинг авлодимизнинг вазифаси. Хўш, биз 21 апрель куни нима қилдик? Буюк почининдан бошланган ленинча коммунистик шанбаликни касаба уюшмалари ихтиёрига бериб қўйдик, бу уюшмалар эса шанбаликни касаба уюшмаларининг шанбалиги деб эълон қилди, биз бўлсак ташаббусни қўллаб-қувватлашдан нари ўтмадик. Қўлга киритилган мавқени топширишни бас қилиш керак, деб ҳисоблайман. Коммунистик партия жамиятимизнинг пешқадам кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолиши керак.

Биз айрим коммунистларнинг иккиланишларини бартараф этиб, уларнинг бутун фикри-зикрини ва жамики жамиятни амалий ишларга ва фаол ҳаракатларга буриб юборишимиз керак. Партиявий иш марказини бошланғич партия ташкилотларига дадил кўчириш лозим. Партия ўз фаолияти билан коллективнинг турмуши ва фаолиятини, унинг ҳаётидан тортиб то ишлаб чиқаришдаги юмушларигача қамраб олиши керак.

Шундагина бошланғич партия ташкилотлари омма орасида ҳақиқий обрў-эътибор қозонади. Сайлаб қўйиладиган бошланғич партия ташкилотининг котиби лавозимига кекса тажрибали ишчилар, меҳнат ветеранлари, катта ҳаётий ва ташкилий тажрибага эга бўлган коммунистлар ҳам овозга қўйилиши лозим.

Оз сонли партия ташкилотларини тармоқ белгисига қараб бир шаҳар ёки районда бирлаштириш мақбул ва ҳатто зарурдир, аммо улардаги аъзоларининг сони энг мақбул даражада бўлиши керак.

Айтмоқчиманки, партия ташкилотлари тузилишининг хилма-хил шаклларидан кенг фойдаланиш лозим. Яъни, барча соҳаларда пухта интизомга риоя этиб, халқчил асосда амалий иш билан шуғулланиш даркор.

Умуман мен, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини тушаётган таклифларни эътиборга олиб қўллаб-қувватлайман, кўп партиялилик масаласига келганда — мен барча кучларни халқ бахт-саодати йўлида амалда бирлаштириш, жамиятни жипслаштириш тарафдориман. Бироқ ўзаро айблаш ва туҳматларга йўл қўймай, уларнинг ҳаммасига тенг шароит яратиб берилиши керак. Жамиятнинг бир қисмида қатъий фикрлар ҳали шаклланмаган ҳозирги босқичда шундай йўл тутиш, айниқса, муҳимдир.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети билан ҳукумати якка тартибда уйлар қуришга ер ажратиб беришга қарор қилганлиги учун наманганликлар астойдил миннатдордирлар. Шу билан бирга шаҳарликлар учун ҳам ер ажратиб бериш тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарори зарур, деб ҳисоблайман.

Бизнинг вилоятимиз уй-жой ва ижтимоий-маданий-маиший қурилиш режасини муттасил бажариб келмоқда. Биз қурилиш, айниқса, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф биноларини қуриш муаммолари ҳақида гапирганимизда режалаштиришнинг янги шаклларига қатъият билан ўтишимиз керак. Режалаштириш ҳуқуқини қурилиш ташкилотларининг ўзига бериш лозим, шунда улар ўз имкониятлари ва қувватларини ҳисобга оладиган, талаб ва эҳтиёжга қараб иш тутадиган бўладилар, моддий ресурслар ва асбоб-ускуналар фондларини ўзлари ҳимоя қиладиган бўладилар. Шундай тартиб жорий қилиш керакки, ишлатиш учун тайёр объект бевосита лимитсиз шартномалар асосида сотиладиган бўлсин. Бозор муносабатлари ҳам шуни талаб қилади.

Яна бир гапни айтмоқчиман. Агар қурилиш ташкилоти якка тартибда ўзига уй қурувчига нисбатан рақобатбардошроқ бўлса, тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириб пулли кишиларга сотиш мумкин бўлур эди. Аҳолининг дарҳол уй сотиб олишга маблағи етмайдиган қисмига уйни қарзга ёки ижарага бериш мумкин.

Уй-жой даҳаларини комплекс қуриш лойиҳасини тузиш пайтида музофотлар аҳолисининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, қурилиш қонун-қоидаларига ёзиб қўйилганидек ҳаммани бир андозага мослаштирмаслик керак. Ҳовли участкалари бўлган уйларни лойиҳалаш ва қуриш лозим. Вилоятлардаги шаҳарларда имкониятга қараб баланд уйлар қуришдан воз кечиш, икки ёки уч қават билан чекланиш мумкин бўлур эди. Ҳовли участкаси, одамларнинг сиҳат-саломатлиги, ишдан бўш вақтларида фойдали меҳнат билан шуғулланиш, озиқ-овқат масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш хусусида икки оғиз сўз. Бугун мен бозор иқтисодиётига қаршиман ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энг зарур буюмларнинг нархини кўтаришга бутунлай қаршиман. Ғарбнинг бозор иқтисодиёти неча ўн йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган ва молларнинг мўл-кўллигига асосланган. Аввал бошида биз бозор обороти учун лоақал зарур миқдордаги молларни вужудга келтириб олишимиз керак. Бинобарин, ҳозир ўзаро маҳсулот етказиб бериш интизомини зудлик билан қайта тиклаш, бозорга мўлжалланган молларни кўпроқ ишлаб чиқариш муҳимдир.

**Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби**

## А. Р. ОТАЖОНОВ нутқидан

Съездимизнинг ишини бутун жумҳурият аҳли ва ҳатто унинг ташқарисидаги кишилар ҳам умид билан кузатиб туришибди. Халқ бизнинг энг долзарб масалаларга аниқ жавоб беришимизни кутяпти. Бундан буён вазият қандай бўлишини билишни хоҳлаяпти. Ўзбекистон Компартияси рўй бераётган воқеаларга қандай назар билан қарамоқда? У жумҳуриятимизни мушкул аҳволдан қайси йўллар билан олиб чиқмоқчи? Аҳолининг турмушини яхшилаш учун нималар қилмоқчи? Жумҳурият аҳолисини ҳозир мана шу масалалар қизиқтирмоқда.

Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасида жумҳуриятда вужудга келган вазият холисона баҳоланган, етилган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатилган. Қайта қуришнинг бориши халқни қаноатлантирмаяпти. Одамлар эскичасига яшашни хоҳламаяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида янги ёндашувлар белгилаб берилган бўлишига қарамай, афсуски, у яқин келажакда жамиятимиз тараққиётининг истиқболларига амалда ишонч билан қараш имкониятини бермаяпти. Ҳаракат дастурида Иттифоқ миқёсида қабул этилаётган қарорлар оддий кишиларнинг кайфиятига ва орзу-умидларига қандай таъсир этаётганлиги эътиборга олинмаган. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммосини олиб кўрайлик. Бизнинг назаримизда, СССР ҳукуматининг шу масалага оид таклифларида жумҳуриятларнинг хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Бу таклифлар бизнинг жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига тўғридан-тўғри зарба уради.

Ҳукумат таклиф этаётган ўрнини қоплаш чоралари ва бошқа чоралар турмуш даражаси паст бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлай олмайди. Бозор иқтисодиётини жорий қилишдан аввал лоақал мамлакат халқ хўжалигида бироз бўлсада тартиб ўрнатиш зарур. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини бутун халқ маъқулламаса ва қўллаб-қувватламаса уни амалга ошириб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурини жиддий равишда қайта ишлаб чиқиш зарур. У муаммоларга чалакам-чатти, дудмал ёндашишга асосланган, унда мамлакат турли регионларининг хусусиятлари тўлиқроқ акс эттирилиши лозим.

(Давоми тўртинчи бетда).



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

